

## ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ РАҶАМЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ

**Фотима Уразалиевна Анарбаева**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети Самарқанд филиали доценти,  
педагогика фанлари бўйича PHD

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада узлуксиз таълимнинг амалий йўналтирилган турига ўтиш зарурати, рақамли таълим экотизими тушунчаси, рақамлаштириш шароитида таълим жараёнини ташкиллаштириш, ахборот технологияларини таълим фаолиятига киритиш даражасининг муҳим жиҳатлари келтириб ўтилган.

**Калит сўзлар:** рақамли технологиялар, рақамлаштириш, рақамли трансформация, рақамли таълим, рақамли таълим экотизими, узлуксиз таълим, рақамли таълим муҳити, ахборот технологиялари, таълим мазмуни, таълим жараёни.

### THE IMPORTANCE OF DIGITALIZATION OF HIGHER EDUCATION

**Fotima U.Anarbaeva**

Associate Professor of Samarkand Branch of Tashkent State University of  
Economics, PHD in Pedagogy

### ABSTRACT

This article presents the need to move to a practically oriented type of continuing education, the concept of a digital educational ecosystem, the organization of the educational process in the context of digitalization, essential aspects of the level of inclusion of information technologies in educational activities.

**Key words.** digital technologies, digitalization, digital transformation, digital education, digital education ecosystem, continuing education, digital learning environment, information technology, educational content, educational process.

Илм-фан ривожланишининг ҳозирги босқичида, шу жумладан инсон ва жамият, ишлаб чиқариш технологиялари, (интеллектуал, технологик, ижтимоий, маънавий, ахборот) маданият ва таълимнинг умумий ва касбий ривожланиш субъекти сифатида инсоннинг битмас-туганмас имкониятлари, шу жумладан рақамли ўқитиш воситаларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда узлуксиз таълимнинг амалий йўналтирилган турига ўтиш зарурати пайдо бўлди.

Рақамли таълим жараёнида амалга оширилаётган таълим маконининг бирлиги ва бу жараённинг ўзи, шунингдек, уни таъминловчилар ҳозирда рақамли таълим экотизими деб юритилади. Бундай экотизимни таълим тармоғи, олий таълим, ҳудуд ёки саноат миқёсида кўриб чиқиш мумкин. Шу билан бирга, алоҳида таълим ташкилотлари баъзи “экотизим” хусусиятларига эга бўлса-да, уни тўлақонли таълим экотизими деб эмас, балки фақат унинг элементи сифатида ҳисоблаш мумкин.

Рақамлаштириш шароитида таълим жараёни, рақамли таълим муҳитида (рақамли таълим экотизимида) қуйидагиларни ўз ичига олган таълим жараёнини ташкил этиш тизими сифатида ишлайди:

- рақамли иқтисодиёт ва рақамли жамият талабларига мос келадиган таълим мақсадлари (кутилаётган натижалар);
- таълим мазмуни ва уни шакллантиришга қўйиладиган талаблар;
- шахсийлаштириш, модуллаштириш, педагогик мақсадга мувофиқ виртуализация, тармоқни тақсимлаш ва ўқув жараёнини мувофиқлаштириш учун рақамли технологиялар имкониятларидан фойдаланишга асосланган таълим жараёнини ташкил этиш шакллари ва усуллари;
- белгиланган таълим мақсадларига эришиш учун рақамли технологияларнинг дидактик имкониятларидан максимал даражада

фойдаланишни таъминлайдиган ташкилий шакллар, технологиялар ва ўқитиш усуллари;

- ягона интеллектуал комплексга бирлаштирилган ўқитиш воситалари, шу жумладан рақамли – тармоқ (онлайн) ва дастурый-аппарат воситалари;
- олий таълим ва ўқитишнинг рақамли таълим жараёнининг жамият ва иқтисодиётни ривожига таъсири.

Рақамли ва ахборот технологияларининг таълим тизимиға ва ўкув жараёнига кенг жорий этилиши глобал тенденция бўлиб, сўнгти пайтларда таълим тизимида юз берган энг муҳим жараёнлардан биридир.

Рақамли таълим муҳитини шакллантириш бугунги кунда устувор йўналиш сифатида ажralиб турадиган ва жаҳон таълим маконида алоҳида ўрин эгаллаган электрон таълимни ривожлантириш ва кенг жорий этиш орқали ҳал қилинадиган стратегик вазифадир.

Олий таълимни рақамлаштиришнинг ҳозирги даражаси таълимдаги тўсиқларни йўқ қилмоқда, бугунги кунда онлайн ва оффлайн таълим форматлари ўртасида унчалик рақобат мавжуд эмас, тадқиқотчилар онлайн ва оффлайн режим интеграцияси шароитида ўкув жараёнини қуришнинг назарий ва услубий асосларини рақамли муҳитда аралаш (гибрид) ўрганиш лозим деган фикрга қўшилишади.

Шуни қайд этиш лозимки, олий таълимни рақамлаштириш биринчи навбатда, талабалар ва ўқитувчилар ўртасида онлайн кўринишдаги мулоқот интеграциясини ривожлантирса, иккинчи томондан, талабаларнинг ўз устида илфор ўкув технологияларидан фойдаланган ҳолда мустақил ишлаш кўникмаларини шаклантиради. Бу эса ҳозирги ривожланиш жараёнида рақамлаштиришнинг янги тенденцияларини таълим жараёнига қўллашда муҳим аҳамият касб этади.

Олий таълимнинг рақамли трансформациясининг мунозарали томони ахборот технологияларини таълим фаолиятига киритиш даражасидир. Баъзи ҳолларда онлайн таълимга тўлик ўтиш мос келмайди, чунки лабораторияларда

ишларнинг анъанавий форматда сақланишини таъминлаш, экспериментал лойиҳалаш, экспериментлар, тадқиқотлар ўтказиш ва б. рақамли трансформация шароитида аралаш таълим учун асос яратиш керак.

Шундай қилиб, олий таълим рақамлаштириш олий таълим университетларини халқаро масофавий таълим бозорига олиб кириш, рақамли технологиялар ёрдамида нафақат билим олиш ва университетни бошқариш жараёнини, балки билимнинг ўзини қайта тиклаши, келажақдаги битирувчилар орасида рақамли компетенцияларни шакллантириши керак.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР: (REFERENCES)**

1. N.I. Taylakov, F.U. Anarbaeva. “Pedagogical Features Of Moodle Platform.” The American Journal of Applied sciences 2.07 (2020): 104-107.
2. А.Х.Махмудов, Ф.У.Анарбаева. “Рақамли таълимда педагогик технологияларни қўллаш имкониятлари”. Development issues of innovative economy in the agricultural sector (2021): Р. 476.
3. И.В.Сомина, А.И.Фалько. Теоретико-методологическое исследование терминологической соподчиненности инновационной и цифровой экономики // Вестник Астраханского государственного технического университета. Серия: Экономика. 2020. № 3. С. 35–41. DOI: 10.24143/2073-5537-2020-3-35-41.
4. С.Ю.Арчакова. Управление инновационной средой в условиях цифровой экономики: дис. канд. экон. наук. Воронеж, 2019. 185 с.
5. Ф.У.Анарбаева, А.Ф.Қораев (2022). Таълим жараёнини рақамлаштириш. Ta'lim va rivojlanish tahlili onlayn ilmiy jurnali, 2(7), 6-9.